



Development of student thinking and the use of modern pedagogical technologies in organizing educational activities in universities

Alisher ERNAZAROV¹

Samarkand State University

ARTICLE INFO

Article history:

Received September 2023

Received in revised form

15 September 2023

Accepted 25 October 2023

Available online

15 December 2023

Keywords:

educational process,
educational activity,
pedagogical goal,
development of thinking,
teaching methods,
teaching aids,
content of activity.

ABSTRACT

In the article, the author examines the organization of training sessions, the use of information technology in education, methods for developing students' thinking, pedagogical and modern teaching technologies, as well as the content of educational programs.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss9/S-pp155-159>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

ОТМларда ўқув машғулотларини ташкил этишда талабалар фикрлашини ривожлантириш ва замонавий ўқитиш технологияларидан фойдаланиш

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

таълим жараёни,
дарс машғулоти,
педагогик мақсад,
фикрлашни
ривожлантириш,
дарс методикаси,
машғулот воситалари,
фаолият мазмуни.

муаллиф томонидан мазкур мақолада ўқув машғулотини ташкил этиш, ахборот технологияларидан фойдаланиш, талабалар фикрлашини ривожлантириш, педагогик технологиялар, замонавий ўқитиш технологиялари, ўқув машғулотлари фаолият мазмуни ҳақида айтиб ўтилган.

¹ Head of Department, Department of Information Technologies, Samarkand Institute of Economics and Service, independent researcher (PhD), Samarkand State University. E-mail: alexchigatay1213@gmail.com

Развитие мышления студентов и использование современных педагогических технологий при организации образовательной деятельности в вузах

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

учебный процесс, учебная деятельность, педагогическая цель, развитие мышления, методика обучения, средства обучения, содержание деятельности.

В статье автор рассматривает организацию учебных занятий, применение информационных технологий в образовании, методы развития мышления студентов, педагогические и современные технологии обучения, а также содержание учебных программ.

Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини жумладан, ўқув машғулотларини ташкил этиш, бошқариш ва ривожлантириш, белгиланган мақсад, вазибалар ижросини таъминлашда таълим сифатини ошириш, мазмунини такомиллаштириш мақсадида ўқув машғулотлари жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларни қўллаш, уларни интерфаол усулда ўтказиш, таълим олувчиларда мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, фаоллигини ошириш, муаммоли топшириқларни бажариш каби услублари қўлланила бошланди. Ушбу мақсадда қуйидаги услубларни кенг қўллаш лозимлигини таъкидлаб ўтамыз:

– аудиторияларни замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш ва улардан ўқув машғулотларида унумли фойдаланиш, бу жараённи кичик гуруҳларда ташкил этиш;

– ҳар бир таълим йўналиши бўйича ўқув машғулотларининг мантиқий-тузилиш шаклини белгилаш, уларни бевосита ҳаёт талабларига мослаштириш, уларни муаммоли топшириқлар билан бойитиш ҳамда услубий тавсиялар, кўрсатмаларни тайёрлаш;

– ўқув машғулотларида педагогик ва ахборот технологиялари ҳамда интерфаол усуллардан фойдаланишни йўлга қўйиш;

– вариатив дастурларга мувофиқ ўтиладиган ўқув машғулотлари мавзулари бўйича тарқатма материалларни таълим олувчиларга етказиш ва уларга ҳар бир мавзу бўйича саволлар тайёрлаб келиш, шу тариқа уларни машғулотга тайёрланган ҳолда келишларини таъминлаш;

– таълим олувчилар томонидан тайёрланган ва берилган саволларнинг мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратиш, саволлар сифатига қараб, уларнинг муайян ўқув машғулоти мавзулари бўйича тайёргарлик ҳолатини аниқлаш, уларда фикрлаш, мустақил билим олиш, мавзуга оид адабиётларни топиш, улардан фойдаланиш ва таҳлил этиш кўникмаларини шакллантиришга эришиш;

– ўқув машғулотлари мавзуси бўйича таълим олувчилар тўплаган маълумотларни ўзаро муҳокама этиш, билдирилган танқидий ва мустақил фикрларни таҳлил этиш, уларни умумлаштириш;

– гуруҳларда фан-техника ривожига йўналтирилган изланишларни жонлантириш;

– педагогларнинг ўз вазибаларига масъулият билан ва таълим олувчиларга билим беришда холисона ёндашишларини англаш мақсадида ички назорат бўлимларининг фаолиятини кучайтириш ҳамда улар орасида “Педагоглар таълим олувчилар нигоҳида” мавзусига бағишланган сўровномаларни ўтказиб туриш, натажаларни атрофлича муҳокама этиш;

– ўқув машғулотларининг сифатини ошириш бўйича хориж тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва республикада қўлланилиши мумкин бўлганлари бўйича услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш.

Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда таълим олувчиларнинг мустақил равишда замонавий фикр юритиши, касбий фаолият йўналишларини танлаши ва амалга ошириши учун улар қўйидаги сифатларга эга бўлиши лозим деб ҳисоблаймиз:

- муаммоларни кўра билиш;
- уларнинг содир бўлиш сабабларини англаш;
- кузатилаётган ҳодисаларни эгалланган билимлар билан умумлаштириш;
- хулоса қилиш ҳамда янги билимларни келтириб чиқариш;
- бир нечта тушунчаларни битта умумийси билан алмаштириш;
- кўплаб ҳодисалардан асосийсини ажратиш;
- ўз фикрини тўғри ва батафсил ифодалаш;
- зарур маълумотларни тез ва аниқ топиш;
- муаммоларни таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- ишни охирига етказиш;
- вазият ўзгаришига мос равишда фикрлаш йўналишини ўзгартириш;
- фикрлашни ривожлантириш.

Фикрлашни ривожлантириш ўз ичига қўйидагиларни олади:

Фикрлашни ривожлантириш

Аналитик фикрлаш	Муҳим белги ва хусусиятларни ажратиб кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш.
Синтезловчи фикрлаш	Ўқув материаллари режасини тузиш, ягона, умумий белгилар ва бутун хусусиятини ўрнатувчи кўникмаларни ривожлантириш.
Аналитик-синтезловчи	Фактларни классификациялаш, умумлаштирувчи хулосаларни чиқариш кўникмаларини ривожлантириш.
Абстракт фикрлаш	Муҳим ва умумий белгиларни ажратиш, муҳим бўлмаган белгиларни фарқлаш, билимларни амалиётда қўллаш.

Машғулотда фойдаланиш мумкин бўлган ўқитиш технологияларига мисоллар қўйидагилар:

- креатив;
- лойиҳалаш;
- муаммоли;
- информацион ва телекоммуникацион;
- автоматлаштирилган;
- дастурлаштирилган.

Булардан биттасини танлаш мумкин. Ўқитиш технологиясида қўйидаги дастурлар бўлиши мумкин:

- чизиқли;
- тармоқланган;
- адаптив;
- умумлаштирилган;
- дастур-алгоритмик;
- блокли ўқитиш;
- модулли ўқитиш;
- билимларни тўлиқ ўзлаштириш.

Замонавий ўқитиш технологиялари

Креатив	Таълим оловчиларнинг ижодий фикрлашини узлуксиз шакллантириб борувчи ва қобилиятини ривожлантирувчи технология. Унинг мақсади таълим оловчиларда ижодкорликни уйғотиш ва улардаги мавжуд бўлган ижодий имкониятни ривожлантириш.
Лойиҳалаш	Педагогик жараён чизмаси асосида машғулотлар олиб борилади ва технологик харита тузилади. Унинг мақсади таълим оловчиларнинг ижтимоий-маданий муҳитда лойиҳалаш фаолиятига фаол киришиши учун ўзининг мавжуд билимларини фаоллаштиришга ва янгиларини олишга йўналтирилган.
Муаммоли	Ривожлантирувчи ўқитиш технологияси бўлиб, фаол билим орттириш жараёнини рағбатлантиради ва фикрлашнинг мантикий кетма-кетлик стилини шакллантиради. Муаммоли ўқитиш моҳияти педагог томонидан таълим оловчиларни ўқитишда муаммоли вазиятларни ташкил этиш ва ўқув (яхши, ҳаётий) масалалар, муаммолар ва саволларни ечиш йўли билан янги билимларни ўзлаштириш фаолиятини бошқаришдан иборат.
Информацион ва телекоммуникацион	Бу – компьютерлар ва телекоммуникацион воситалари ёрдамида ахборот узатиш усуллариининг мажмуи, билимларни қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш. Ўқитишдаги информацион технология даражаси, ҳам дастурлар, ҳам техник қурилмалар билан таъминланганлик даражасига қараб баҳоланади.
Автоматлаштирилган	Ўқув курсини ёки унинг катта бўлимини мустақил ўзлаштиришга имкон яратади. Бу тизим ўзида оддий машғулотлик, масалалар тўплами, лаборатория машғулотлари, маълумотнома ва ўзлаштирилган ахборотни текширувчи эксперт хусусиятларини мужассамлантиради, ўқув материалларини ўрганишнинг мақбул йўлини таъминлайди, таҳлил ва тадқиқотчилик фаолияти кўникмаларини сингдиради, таълим оловчиларнинг вақтини тежашга имкон беради.
Дастурлаштирилган	Бу махсус ишлаб чиқилган дастурлар асосида ўргатувчи қурилмалар (компьютер, тренажёр, дастурланадиган машғулотликлар) ёрдамида билим, маҳорат, кўникмаларни мустақил олиш имконини таъминловчи технологиядир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, анъанавий ўқитишда таълим оловчилар фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар ёрдамида таълим бериш, уларнинг эгаллаши керак бўлган билимларни ўзлари мустақил равишда қидириб топишга, таҳлил қилишга ва хулосалар чиқаришга ўргатади. Уларнинг билим савиясини ривожлантириш ва такомиллаштириш мавзуси доимо таълим тизимида долзарб муаммолардан бири бўлиб келган. Шу билан бирга таълим жараёнида педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва уларни ахборот технологиялари ёрдамида ҳаётга жорий этишни тақозо этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5847-сон Фармони. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон; 30.04.2020 й., 06/20/5987/0521-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сон Фармони. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.11.2020 й., 06/20/6108/1483-сон).

3. Г.М.Аноркулова, Олий таълим муассасасида таълим жараёнини ташкил этилишига таъсир этувчи омиллар // “Олий таълим тизими учун педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифатини таъминлашнинг илмий-услубий асослари” республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т., -2006. – Б. 14-16.

4. М.Т.Ахмедованинг “Олий таълим муассасаларида ўқув машғулотини ташкил этиш технологияси (Тикувчилик ишлаб чиқариш тайёрлов йўналиши мисолида)”. Дисс... пед.фан. номзоди. -Т.: -2011, – 128 б.

5. Байкова И. А., Гребенкина Л.К. Педагогическое мастерство и педагогические технологии. М., -2000.

6. Башмаков М.И., Поздняков С.Н., Резник Н.А. Планирование учителем своей деятельности // Школьные технологии. -2001. № 1. С. 133-140.

7. Бершадский М.Е., Гузеев В.В. Дидактические и психологические основания образовательной технологии. –М.: Центр «Технологический поиск», -2003. – 256 с.

8. У.Ш.Бегимқулов, Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси амалиёти: Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент. -2007. –38 б.

9. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. – М.: Изд-во Института профессионального образования Министерства образования России, -1995.

10. А.Э.Эрназаров, Олий таълим муассасаларида педагогларнинг ўқув машғулотига тайёргарлиги босқичлари, шакллари, компонентлари ва мезонлари // Соҳибқирон юлдузи. Ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал. – Қарши, 2022. №1. 188–193 б. (13.00.01; № 36).

11. А.Э.Эрназаров, Ўқув машғулотларини ташкил этишнинг замонавий технологиялари // Педагогика ва психологияда инновациялар. – Тошкент, 2021. №5. 204–206 б. (13.00.01; № 15).

12. Эрназаров А.Э. Муаммоли ўқитиш технологиялари асосида ўқув машғулотлари самарадорлигини ошириш // Ta’lim, fan va innovatsiya. – Тошкент, 2016. №1. 86–89 б. (13.00.01; № 18).

13. Эрназаров А.Э. Узлуксиз таълим тизимида инновацион технологиялар ва уларнинг амалда қўлланилиши. Урганч давлат университети. Илм сарчашмалари журнали. – Урганч, 2021. №8. 89–91 б. (13.00.01; №31).

14. Ernazarov A.E. Methods of modern organization and implementation of training. Novateur publications Journal NX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal ISSN No: 2581 – 4230 VOLUME 6, ISSUE 5, May -2020. Pages: 311-315.

15. Ernazarov A.E. Specific features of training. International Journal on Integrated Education. DOI: <https://doi.org/10.31149/ijie.v3i5.375>. Volume 3, Issue V, May 2020. pp.30-34.

16. Ernazarov A.E. Clarification of the purpose and design of the training sessions. World Scientific News, Scientific Publishing House „DARWIN». WSN 80 (2017) 101-115.

17. Ernazarov A.E. Features of defining goals and objectives in training. Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations. <https://inscience.uz/index.php/socinov/index>. April 15, 2021. 444-448.